

# Ўзбекистон овози

## Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий рўзномаси

Рўзнома 1918 йил 21 июндан

чиқа бошлаган

№ 224 (21.091) 1991 йил 20 ноябрь, чоршанба

Баҳоси 8 тийин.

### Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг пленуми тўғрисида

# АХБОРОТ



Суратларини В. МОЛГАЧЕВ олган.

19 ноябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг пленуми бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш учун Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод кўрсатиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов мазкур масала юзасидан сўзга чиқди ва Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш учун Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг раиси И. А. Қаримов номзодини кўрсатиш тўғрисида таклиф киритди.

Мазкур таклифни муҳокама қилиш юзасидан бўлган музокараларда Уруш ва меҳнат фахрийлари Қашқадарь вилоят кенгашининг раиси С. Усмонов, Олмалик кон-металлургия комбинатининг бош директори В. Н. Сигедин, Мўйноқ балиқ саноати бирлашмасининг бош директори Т. Генжмуротов, Фарғона вилоят хотин-қизлар кенгашининг раиси Ш. Мирзабоева, Ховос темир йўл узели бўлими партия ташкилотининг котиби С. Қаримов, Тошкент шаҳар Кенгаши маҳалла комитетлари ишлари доимий комиссиясининг раиси Ш. Т. Темуров, Наманган давлат дорилмуаллимнинг кафедра мудири И. Юсупов, Тошкент Сибёатшунослик ва бошқарув илмгоҳининг ректори М. И. Исқандаров, «Туюмўйингидрострой» трести партия ташкилотининг котиби К. Исмоилов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Балликчи район кенгашининг биринчи котиби С. Расулова, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгашининг биринчи котиби С. А. Нишонов, Навоий кон-металлургия комбинати Шимоллий руда бошқармаси партия ташкилотининг котиби Т. Б. Айтбайларов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилоят ташкилоти тафтиш комис-

сиясининг раиси М. Н. Иномов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг аъзоси Н. Зайниев сўзга чиқдилар.

Пленум Ўзбекистон Республикасининг Президентини сайлаш учун Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Раиси И. А. Қаримов номзодини кўрсатиш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча ташкилотлари ҳамда сайлаб қўйилган органларини бу қарорни қўллаб-қувватлашга ва унинг сайловолди кампаниясини ташкил этишда ҳар томонлама кўмаклашишга чақирди.

Пленум мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда барча партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва жамоат ташкилотларига мурожаат этиб, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида фуқаролар тотувлигини таъминлаш юзасидан ўзаро келишилган ҳолда тadbирлар ишлаб чиқишни таклиф этади.

Пленум Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши котиби А. Х. Саидовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг гуруҳи тўғрисидаги Низомни тайёрлашга доир ахборотини тинглади.

Шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг матбуот органи тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Пленум «Ўзбекистон овози» рўзномаси тахририяти билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сийёсий Икромия Комитетининг рўзномаси Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий рўзномасига айлантириш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлади. Р. Р. Раҳмонов рўзноманинг бош муҳаррири этиб тасдиқланди.

Шу билан пленум ўз ишнини тамомлади.

### ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

# АХБОРОТ

19 ноябрь куни Тошкентда республика Олий Кенгашининг сессияси ўз ишнини давом эттирди.

Мажлисни Олий Кенгаш Раиси Ш. М. Йўлдошев олиб борди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Қаримов Совет Иттифоқининг ташқи қарзини тўлаш масаласида Ўзбекистоннинг тўтадиган йўли тўғрисида ахборот берди.

Шундан кейин депутатлар мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси муҳокамасини давом эттирдилар. Кун тартибидagi мазкур масала юзасидан халқ депутатлари В. А. Тараник, О. Қ.—С. Адаманов, К. Х. Бахриев, Г. Г. Кондратьев, А. М. Алиқулов, К. С. Сотиболдиев, Ю. Нишонов, М. Б. Худобер, М. А. Тожибоев, А. А. Юсупов, В. Ф. Исламбоев, В. И. Криворучко, Ж. Қозоқов, Х. Ш. Шарафуддинов, Х. Н. Луқмонов, У. М. Аҳмаджонов, Б. Раҳмонов, А. Полванов сўзга чиқдилар.

Қонуни тўзатишлар ва қўшимчаларни ҳисобга олиб қабул қилинди.

Иқтисодий ислохот, бюджет сийёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаруш комитетининг котиби М. М. Умарова Ижара тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Маърузани муҳокама қилишда халқ депутатлари Т. Хатамов, З. Шарипов, Х. Фармонов, Б. Сериков, А. Х. Тошкен-

боев, М. А. Эгамбердиев, У. Маҳматмуродов, И. Қобулов, И. Ф. Файзиев, А. Ю. Ершов, О. Мусаева, Б. Ж. Ҳақимов, В. А. Козлов, А. М. Сотволдиев, Х. Шукуров, Э. Шерматов, Ш. Т. Нусратов, Э. Ҳақимов, Ш. С. Нуриддинов, И. Файзуллаев, Ю. Д. Ирисов, А. Г. Машақопов, П. Зиёдов, Н. К. Матиброҳимов, Х. К. Эшонқулов, К. А. Маҳмудов қатнашдилар.

Қонуни моддама-модда муҳокама этилганидан сўнг қабул қилинди.

Сўнг Ўзбекистон Республикасида Ешларга доир давлат сийёсатининг асослари тўғрисидаги Қонуни лойиҳасини кўриб чиқиш бошланди. Ешларга доир сийёсат комитетининг раиси А. А. Аъзамжўнаев маъруза қилди.

Моддама-модда муҳокама қилиш чоғида халқ депутатлари А. Б. Емельянов, Р. Б. Мирхонов, К. Раимжанов, А. Носиров, И. Турсунов, Т. Б. Режапов, М. Юсупов, республика прокурори М. М. Мустафоев, С. Гафуров, С. Мадаминов (Мухаммад Солиқ), А. Асқаров, М. Т. Зоҳидов, М. А. Ибодуллоев, Н. Ю. Тўраев, С. Т. Жўраева, М. Муродуллоев, В. М. Карабалинников, Э. Х. Халилов, Ю. Э. Бурхонов, А. А. Каландаров, И. А. Бибиков, А. Эрхонов, У. Исқандаров, Э. Ж. Боқибоев сўзга чиқдилар.

Олий Кенгаш сессияси ўз ишнини давом эттирмоқда.

### Бизнинг сўхбат

## МУСТАҚИЛЛИК ЧОРРАҲАЛАРИДА

Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессияси давом этмоқда. Бу сессиянинг ўзига хос хусусияти шунданки, уни депутатларнинг ўзлари тайёрладилар. Рўзнома муҳбири сессия қатнашчилари билан сўхбатлашиб, уларни ҳаёқонлангиратган муаммолар, сессия кун тартибига киритилган масалаларга муносабатлари билан кўришди. Қуйида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

**Муслим НИШОНОВ,** Фарғона вилояти Бувайда район марказий шифохонаси бош врач:

Чуқри Республика аҳолисининг қўн қисмини ёшлар ташкил қилади.

**Генерал-майор Николай Кузьмич ДЕМИК:**

— Сессия бутун мамлакатда бўлгани каби республикамиз мураккаб воқеаларини бошдан кечираётган бир пайтда ўтмоқда. Бугун биз фуқаролар учунгина эмас, балки Ўзбекистон ҳудудига хизмат қилаётган аскарлар ва ҳарбий хизматчилар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар мажмуасини муҳокама қиламиз. Аввало, шунинг асосини ҳарбий хизматчиларнинг ва уларнинг

онларининг ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари, айниқса, ташвишга солмоқда. Ўзбекистонда муҳофаза масалалари ва ҳарбий хизматчиларни ҳимоя қилиш бўйича вазирлик ташкил этилган муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу идора тўла қувват билан ишлаши учун ҳали кўн меҳнат сарфлашмаси керак. Республикада муҳофаза ва ҳарбий хизматчиларни ҳимоя қилишга оид қўнгина масалалар келиб чиқмоқда. Ўйлайманки, сессияда ана шу муаммолар ҳал этилишига йўл очилди.

Биз ҳуқуқий давлат қурувчи раънамин, унга мос келадиган қонулар қабул қилишимиз керак. Республикада мустақиллик йўлида давлат қадам ташлаш бошлади. Унинг мустақиллигини мустақамлашга хизмат қилганда, бугунги кун талабларига монанд келадиган қонулар қабул қилишимиз лозим. Зотан сессия кун тартибига қўйилган масалалар ҳам айни бугунги кун талабидан келиб

чиққан ҳаётий ва долзарб масалалардир.

**Рўзғул РЕИМБОВА,** Қорақалпоғистон Республикаси Беруний ноҳияси «Правда» жамоа хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи:

Ҳар бир депутатни сессия кун тартибига қўйилган масалалар уйлантиради ва ҳаёқон солади. Президент сайлов тўғрисидаги Қонуни қабул қилишимиз ва сайлов кунини белгиланганини мени қаттиқ тўқилантирди.

Республикамиз мустақиллиги эълон қилинганга инки ойдан ошди. Эндиги вақтга Президент сайловини ўтказишдир. Биз ана шу сайловда бир ёнадан бош чиқариб, оқилона иш тутилишимиз керак. Шундагина республикамиз иқтисодий ва сийёсий аҳволини яхшилашга ҳисса қўнган бўламиз.

### Қадрли муштарийларимизга!

# ЯКДИЛЛИК

**Азиз муштарийлар!**

Республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида янги давр бошланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарорига биноан шу йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга ўтказилди. Айнан шу йилдан кўн Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдумини ҳам бўлади. Бу иккинчи воқеанинг бир кунга тўғри келганлигида чуқур мантқ бор. Гап шунданки, Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигини эълон қилган бўлсада, бу йўлда ҳали ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар, энг шимариб бажарилган талаб амалии ишлар турбиди. Бунинг учун энг аввало, умумхалқ мададига таянганда мустақам, ишчан қонуний президентлик ҳокимияти зарур.

Қадрли дўстлар!

Республикамиз сўнги икки ярим йил ичида муайян ютуқларни қўлга киритди. Булар ҳақида баралла айтиш, илгор тақрибларини омаллаштириш, муваффақиятлардан қувониб, тўғри хулосалар чиқариш пайти аллақачон етган. Тақдирланган ва маломатда қолган ўзбек халқининг қадди аста-сепкин ростланиб бормоқда, миллий маданияти, қадимий урф-одатларимиз ва тарихий анъаналаримиз, динимиз, худлас халқимиз учун ардоқли ва муқаддас қадриятларимиз тикланмоқда. Ноҳақ жабрланганлар оқланаяпти. Қишлоқ турмуш маданиятини оширишга, одамларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Буларнинг ҳаммасида шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Президентини И. А. Қаримовнинг қизматлари каттадир ва бунинг халқимиз кўн сайлини ҳис этиб турибди. Шу бонс Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг Пленуми Низомга мувофиқ, партия Раиси Ислам Абдуғаниевич Қаримовни Ўзбекистон Президентлигига номзод қилиб кўрсатилганини тўғрисидаги хабарини ифтихор ва қонинчи билан кутиб олдик. «Ўзбекистон овози» муҳарририяти жамоаси ўз йилгилишда ушбу қарорни яқдиллик билан қўллаб-қувватлади ва барча ҳамкасбларимизни шунга даъват этади. Зеро, И. А. Қаримовнинг ўзининг республикамиз мустақиллигини таъминлаш

йўлидаги дадил, қатъий ҳаракатлари билан Президентлик лавозимига муносиб деб билдимиз.

Ўзбекистон ўз тарихида не-не буюк аломатларини, саркардаларини, жаҳон фани ва маданиятини юксалтиришга ҳисса қўнган буюк зотларни қўрмаган, дейсиз. Уларнинг ҳаммалари, энг аввало, ўз халқларининг тақдирини ўйлашган, зафарларидан қувонишган, гам-аудуҳларига шерик бўлишган, истиқлолни, бахтли келажакни, аҳдликни ва тотувлиқни оруз қилишган. Уларнинг ақсарияти мустақиллик йўлида жонларини фидо қилдилар. Бу йўлда жонбозлик кўрсатганлардан Ақмал Икромов, Усмонов Эшонхўжаев, Мирмуҳсин Шермухамедов, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Звё Саид, Шароф Рашидов шу рўзномада меҳнат қилганликлар билан биз фахрланамиз. Биз шу устозларнинг пок руҳларини ҳурмат билан эътибор билан аъёнларининг давом эттиришга, ҳозирги мураккаб вазиятда халқ билан ҳамнафас, ҳамдард, ҳамкор бўлишга бурчли эканлигинимизни чуқур ҳис этамиз.

Маълумки, 1991 йил 1 сентябрдан бошлаб «Совет Ўзбекистони»нинг номи «Ўзбекистон овози» деб ўзгартирилди. Муҳарририят жамоасининг қарорига биноан у жумҳуриятимизнинг мустақил қувватли ижтимоий-сиёсий рўзномасига айланди. Муҳарририят жамоаси яқдиллик билан бир овоздан мустақил рўзноманинг бош муҳаррири вазифасига Расул Раҳмоновни сайлавди. Ушундан бери у ўзбек халқининг, республикамиз ҳудудида яшовчи ҳар бир фуқаронинг овозига айланди. Биз 1 сентябрда муштарийларга қилган мурожаатимизда: «Ишонимиз қонилик, бу овоз мустақилликка мунарраф бўлган Ўзбекистоннинг эришмақ даяр-давронини, маърифатли дунёда ўз муносиб ўрнини эгаллайдиган халқларимизнинг раънақини бутун оламга таратади», — деган эдик. Муҳарририят жамоасининг ҳар бир аъзонини шундайроқ амак қилиб, рўзноманинг мунабаракати ва мазмунига янги давр руҳини синдириш, уни халққа янада яқинлаштириш, янакам халқ овозига айлантириш учун барча имконият ва маҳоратларини сафарбар қилмоқдалар. Ўзгичларимиз рўзномада юз бераётган ўзгичларини тез пай-

қаб олдилар, унга ўзларининг муносиб баҳоларини бердилар. Ҳозирги иқтисодий танглик шароитида, турмуш кечир-риш қундан-қунга мураккаблашаётган бир даврда 1992 йил учун салкам 300 минг атрофида муштарийнинг «Ўзбекистон овози»га оубна бўлганлиги фикримизга яққол далилдир. Муҳарририят бу билан рўзномани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган, маънавий мадад бераётган барча ишчилар ва қишлоқ меҳнатчиларига, олимлар ва адибларга, ҳамма-ҳамма касб эгаларига, ёш авлодга ўзларининг самимий миннатдорчиликларини ифтоҳ этади. Айни пайтда биз оубанини уюштириш ва ўтказишда ўзларининг қимматли вақтларини аямай, алоқа ҳодимларига яқиндан ердан берган шаҳар ва қишлоқларнинг, районлар ва посёлкаларнинг сардорлари хизматини ҳам асло унутмаймиз. 1992 йил учун оубна тўхтагани йўқ. Қимматли рўзномамизга ёнлишга улгурмаган бўлса, ҳали ҳам неч эмас. Оубанини шу қунларда расмийлаштирган муштарийлар рўзномани келгуси йил 1 февралдан олиш имконига эга бўладилар.

Азиз муштарийлар!

Рўзноманинг таянган йўли — янги тузилган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мақсад ва вазифаларига, унинг Дастури ва Низомига ҳамоҳандир. Чунки бу партиянинг халқ манфаатлари ва ташвишларидан бўлак дарди йўқ. Шу бонс ҳам муҳарририятимиз жамоаси унинг Низомини ва Дастурини яқдиллик билан юз фоз тўла-тўқис қўллаб-қувватлади ва ўз тақдирини у билан боғлади.

Азиз муштарийлар!

Рўзноманинг янада теран, мазмуни ва мунабаракатининг бой бўлишида Сизнинг хат-хабарларингиз, мақолаларингиз, филр-мулоҳазаларингиз, таъкид қилганларингиз билан фаол қатнашувингизга, унинг ҳаётга янада яқин бўлишига, халқнинг чинакам минбарига айланишига муносиб ҳисса қўншингизга уянд билдирамиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси рўзномаси муассис бўлди. «Ўзбекистон овози» халқ минбари бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

**ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ. ТАХРИР ҲАЙЪАТИ.**

# «Ўзбекистон овози»нинг мустақиллик дорилфунуни

Муҳиддин МИРСАИДОВ,

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ҲУҚУҚШУНОСЛИК БИЛИМҒОҲИ ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯ КАФЕДРАСИНING МУДИРИ, ИҚТИСОД ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР.

Азалдан шу нарса яхши маълумки, инсоният тарихининг айрим босқичларида воқеалар ўта жадаллашиб кетди. Ушунда ана шу қисқа бир мuddат баъзан ойлар, йиллар, асрларга татийди. Минг тўқиз юз тўқсон биринчи йилнинг август ойидати уч кун ҳам мамлакатимиз, республикалар тақдирини ҳал қилувчи роль ўйнади. Эҳтимол, айтиш шундаки биз Ер шаридаги қуруқликнинг олтидан бири қисмини

эгаллаб турган мамлакат нақадар оғир аҳволга тушиб қолганлигини, айниқса, чуқур ва яққол ҳис этдик. Юз берган фожиа устидан тарих ўз ҳужжимини чиқаради. Аммо у шу бугунқоқ бизни катта бир мамлакатнинг республикалари ва мухториятларидан бирортаси ҳам илгариги давлат-сиёсий тизимларида бундан бўён яшай олмайдилар, деган аниқ-равшан хулосага олиб келди.

учун бепул нонушталар, камқонли ҳомиладор аёлларнинг иттиёзли овқатланиши жорий қилинди. Республикада аҳолига ер участкалари бериш, ёрдамчи хўжалиқларни уруғлик ва ниҳоллар, яна тартибда турар-жоё, қурувчиларни қурилиш материаллари билан таъминлаш изчил йўлга қўйилди ва ҳозирга. Иқтисодийни хўжалик юритишнинг бозор шароитларига ўтказиш юзасидан дастлабки қадамлар қўйилди. Кўп укладли иқтисодийни шакллантиришга ҳамда кишиларнинг амалий ташаббускорлигини авж олдиртишга, уларнинг тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолиятини рағбатлантиришга хизмат қилувчи бир қатор муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Бироқ ана шу хайрли тадбирларнинг барчаси ҳали «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинмасидан илгари амалга оширилгани ва шу тўғрисида ҳам масалаларни унчалик чуқур ва атрафлича қамраб олмагани. Чунки, маълум сабабларга қўра, бу тадбирлар давлат республика ҳудудига жойлашган Иттифоқ қарамонидати давлат корхоналарини қайта ташкил этиш, акционерлик жамиятларига айлантириш, уларни мулкчиликнинг бошқа шаклларида ўтказиш каби принципал масалалар, табиийки, эътиборга олинмагани.

Бунда собиқ Иттифоқ ичда ҳам, халқаро миқёсда ҳам савдога қўлай имтиёзалар берилишини таъминлаш керак.

ЎЗБЕКISTON ўз табиий қўлим шароитларига қўра, аксарият ўсимликларни экиш, уларни етиштириш учун энг қўлай минтақалардан биридир. Унда мамлакатдаги барча суғориладиган ерларнинг тахминан бешдан бири қисми жойлашган. Таниқли олимларнинг фикрига қўра, республика аграр сектори аграр хўжалик оқилона юритилган бўлса, оз эмас қўл эмас — 60—70 миллион кишини боқиб қўриб етди. Шунинг учун ҳам иқтисодийда кўп укладлик ўсиб бораётган шароитда ерга эгалик қилишнинг ҳам шахсий, ҳам давлат манфаатларини энг кўп уйғунлаштириладиган шакллари қатъий ривожлантириш керак. Давлат ёки жамоа хўжалигини, фермер хўжалиги ёки ижарачиликни, қандай хўжалик шакли бўлишидан қатъий назар, шундай қилиш керак.

Саноатни ривожлантириш истиқболда уни юқори технологияга, илмга, мулкчиликнинг турли шаклларида асосланган ишлаб чиқаришни яратишга, хорижлик сармоядорлар ва қўшма корхоналар билан қўлай иш тартибларини жорий қилишга йўналтириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса тегишли қонун ҳужжатларини қабул қилиб, давлат мулкни, ички ва ўрта корхоналарни хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш керак бўлади. Бунда бозор иқтисодийни шароитларида давлат мустақиллиги хўжалик юритиш объектлари ва субъектлари мустақиллиги ҳамда ҳуқуқларини чеklang қўймаслигини, балки, аксинча уларнинг самарали фаолият юретиши учун шарт-шароитлар яратишни эътиборга ололти керак. Бу ўринда шунга алоҳида таъкидлаш лозимки, Иттифоқ вазириликларига қарашли корхоналарнинг ҳаммаси аввало жумҳурият қарамоғига тўлиқ ўтказилиши керак. Айрим кишилар тасарруфида бундай корхоналар бошқа жойларга кўчирилади, деган тушунчалар ҳам йўқ эмас. Бу мутлақо асоссиз ва нотўғридир.

Шунингдек, биз ҳозирги шароитда зарур эҳтиёжларимизни таъминлашга асқотадиган айрим заводлар қуришни ҳам йўлга қўйишимиз керак. Масалан, республиканинг ўз эҳтиёжлари учун қанд заводи қуриш мумкин. Баҳолани, уруш даврида ва ундан кейинроқ ҳам яхшигина ишлаб турган Янгйўлга қанд заводи бора-бора тугатиб юборилди. Шу бугунги эҳтиёждан қилиб чиқиб, мазкур корхона фаолиятини қайта тиклаша ҳам бўлади. Бунинг учун эса пахта майдаларига қўшиб юборилган қанд лавлаг энгладиган ерларда яна қанд лавлаг етиштиришни ҳам йўлга қўйиш керак бўлади.

Баъзи иқтисодчи олимларимиз жумҳурият ўз пул бирлигига эга бўлиши керак, деган муҳим масалани кўтаришмоқда. Чунки нарх-навои пасайтириш йўлидан бири ҳам республиканинг ўз валютасига эга бўлиши ва мол айирбошлаш алоқаларини жадал йўлга қўйишдан иборатдир. Зотан, бошқа минтақалардан кишилар катта миқдордаги пул билан келиб, дўконларимиз ва бозорларимизни, таъбир жоиз бўлса, талаб кетишмоқда. Айнан шу туфайли ҳам вақтинчалик бўлса-да, шундай ҳолатларни бартафос этиш учун жумҳуриятда зудлик билан ички халқ рағбат қўполлар (саноат ва озиқ-овқат моллари учун алоҳида-алоҳида) чиқаришни йўлга қўйиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бунда қўполларнинг қатъий тартибда тарқатиши ва сарқилиши йўлга қўйиш керак бўлади. Шунда республикадан молларни талаб кетишга муайян даражада бўлса-да, чек қўйилади.

Шуни эътибордан соқит қилмаслик керакки, ўз пулимизни чиқаришда ана шу миллий пулимизнинг чет эл пулига алмаштирилишини таъминлаш ўта муҳим масаладир. Бунинг учун эса жумҳуриятимизда етарли имконият бор. Зеро, ҳар қандай пул бирлиги заминда олтин ётади. Ишлаб чиқарилаётган олтинимизнинг муайян қисмини Швейцария банкига гаровга қўйиб, бунинг ҳисобига миллий пул бирлигининг чет эл пулига алмаштирилишини таъминлаш ва унинг жаҳон бозорига мустаҳкам, барқарор бўлишига эришишимиз мумкин. Шунингдек, ўз пул бирлигини чиқариш билан бир вақтда ҳеч иккиланмай пул ислохотини ҳам ўтказиш лозимдир. Бу жараёнда ҳозирги сўми 10 га — 1 қилиб алмаштириш керак. Машина эса ижтимоий адолат қондасига қатъий риоя этиш учун фақат 50 фоизга қисқартириш зарур. Шунда янги миллий пул бирлигининг қадри 5 баробар ортади.

Шуни таъкидлаш керакки, республикада божхона қўмитетининг ташкил этилиши айтиш мумкин бўлди. Албатта, божхоналар учун миллий кадрлар тайёрлаш жўн иш эмас. Лекин бу ишни Тошкент давлат ҳуқуқшунослик олий билимгоҳи зиммасига юклаш мумкин. Яна бир муҳим масала. Мустақил бўлган Ўзбекистон давлатининг чет элларда тан олиннин учун Республика Ташқи ишлар вазирилик қўмитети каби идоралар зиммасига ҳам ўта маъсулдан назорат турибди. Улар энди аввалгидан қўра анча кўп ва катта ишларни бажаришлари, бунда ташаббускорлик, куч-ғайрат, шижоат кўрсатишлари лозим.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эга бўлганлиги жумҳуриятда яшайётган барча халқлар учун миллати, динига эътиқоди ва ижтимоий келиб чиқидиган қатъий назар ҳар бир фуқароннинг рисоладигандек турмуш кечиришини, шайъини ва қадр қимматини таъминлайдиган ҳуқуқий давлат доирасида теги имкониятлар жамияти қуришни бошлашлари учун катта тарихий босқичдир. Бунда собиқ марказнинг ўз умрини тугатган тоталитар-тўррачилик тизими республика миёсидиги ҳокимият тизимларининг якпалоқчиликка асосланган тизимга алмаштирилишига йўл қўймаслик ниҳоятда муҳимдир.

## ТАРИХИЙ

Республикамизнинг чинакам давлат мустақиллигини қўлга киритиш республикалар ўртасида ва марказ билан муносабатларда кўпгина сиёсий ва иқтисодий масалаларни янгитдан қараб чиниш ваазифасини қўяди.

МУТЛАҚО айни, республика иқтисодийни муайян бузиллишларга ва номуносибликларга олиб келган, юқорида айтиб ўтилган салбий омиллар билан бир қаторда жумҳуриятимизда ишлаб чиқаришни иқтисодлаштириш ва оқилона кооперация асосида интеграциялаш объектив жараёнлари ҳам юз берди. Бу илгор, икобий омиллар илгариги тизимнинг эмас, балки ҳар қандай индустриалашган жамиятни ривожлантириш қонуниятларининг самараси бўлди. Шу туфайли ҳам давлат мустақиллигини эълон қилгандан сўнг илгари вуқудга келган иқтисодий муҳит доирасидаги ўзаро фойдали алоқаларни дарҳол бузишга киришни ҳозирча мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, республика халқ хўжалиги тузилмасининг яхлитлиги қўпол ўн йилликнинг мобайнида бутун мамлакат халқ хўжалиги яхлит тузилмасининг бир қисми сифатида шаклланиб келди, унинг ҳамма тармоқлари барча даражаларда ўзаро бир-бирига қўшилди, уйғунлашиб ва боғланиб қолган. Шу боис ҳам чинакам иқтисодий мустақилликка муваффақ бўлиш учун амалда анчанча вақт талаб этилади. Бироқ, энг муҳим ваазифа — республикада ҳозирча вуқудга келмаган янги ишлаб чиқариш тузилмалари ва бутун бозор инфраструктурасини шакллантириш йўлида қатъий қадамлар қўйишдан иборатдир.

Шу муносабат билан у ёки бу давлат тузилмасининг иқтисодий мустақиллиги категориеси ҳақида чуқур ўйлаб қўришимиз, у ҳақида сўз айтишимиз лозим, деб биламиз. Ҳайайимизки, амалий нуқдан-назардан ҳам, илмий нуқдан назардан ҳам дунёда бирор-бир давлатнинг мутлақ тўла иқтисодий мустақиллиги фақат мақсадга номувофиқгина эмас, балки бунинг имкони ҳам йўқ. Аслида бундай мутлақ мустақиллик, натурал хўжаликка асосланган бирор-бир мамлакат иқтисодийни назарга олмаганда, амалда ҳеч қачон бўлган ҳам эмас. Бизнингча, тараққиёт этган ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг жаҳон ҳам-жамияти яқин келмаганда ривожланидан йўл бу — халқаро меҳнат тақсими, ишлаб чиқариш-иқтисодий тузилмаларнинг табиий иқлим ва тарихий анъаналардан келиб чиқадиган муайян даражадаги иқтисодлашуви, теги ҳуқуқий ва ўзаро фойдали шерикчиликка асосланган интеграция жараёнларидан иборатдир. Умид қиламизки, Ўзбекистон Республикаси ҳам жаҳон ҳам-жамиятида айнан ана шундай йўл билан олга ҳаракат қилади.

Вуқудга келган ягона иқтисодий муҳитни сақлаб қолиш ва ундан самарали фойдаланиш ҳақида гапирганда, иттифоқдош республикаларнинг мол алмашуви яқин вақтгача мамлакат янги ижтимоий маҳсулотининг қарийб тўртдан бири қисми жалб этилганлигини назарда тутмоқ лозим. Масалан, 1988 йилда Ўзбекистонга 12,32 миллиард сўмлик маҳсулот олиб келинган бўлиб, уларнинг 10,62 миллиард сўмлиги республикаларга алмашув бўйича ва 1,7 миллиард сўмлик импорт бўйича келтирилган. Республикадан ташқарига эса жами 10,49 миллиард сўмлик маҳсулот, шу жумладан, республикаларга 8,96 миллиард сўмлик маҳсулот ва экспортга 1,53 миллиард сўмлик маҳсулот чиқарилган. Бунда республика ишлаб чиқаришида маҳсулотнинг ташқарига жўнатишнинг солиштирма салмоғи 18 фоизни, республика истеъмол учун маҳсулот олиб келишнинг солиштирма салмоғи 24 фоизни ташкил этди. Бу эса ўзаро иқтисодий ҳамжиҳатликнинг кучли бўлганидан, нисбатан юқори самарадорлигидан далолат беради. Кейинги вақтда ана шу ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик бузилгани жиддий салбий оқибатларга олиб келди.

Шу туфайли ҳам мустақил Ўзбекистон Республикаси олдига турган, кечиртириб бўлмайдиган ваазифалардан бири йўқотилган алоқаларни тиклаб, уларни тамоман янги йўналишга қўйишдан иборатдир. Бунда бошқа республикалар билан иқтисодий алоқалар асосан давлатларга муносабатларда қабул қилинган юксак даражага ва ўзаро тенг ҳамкорликка асосланган қўрилмоқчи даркор. Бунинг учун эса нарх-навои барқарорлаштириб, муқоабил мол алмашувининг барча масалаларини мувофиқлаштириш, бошқариб туриш керак бўлади.

## ЎЗАРО МАНФААТЛИ АСОСДА

«Қорасув» пахта тозалаш заводи ва унга қарашли хўжалиқлар ноябрь ойининг дастлабки ўн кун мобайнида Россия Федерациясига 1500 тонна саноат хом ашёси жўнатдилар. Жумладан, Омскдаги «Фирма Восток» ил газлама комбинати, Кемероводаги «Прогресс» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Красноярск ўлкасидagi Камский ил газлама комбинати сифатли пахта толаси етказиб берилди.

Бу хом ашё эвазига Россиядан турли машина, трактор ва бошқа технологик ускуналар билан бир қаторда бизда тақчил бўлган картошка ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш белгиланган. Пойтахт вилояти ўз навобатда мевасабавот ҳам юборади. Буларнинг ҳаммаси шу йил октябрь ойида Россия вилоятлари билан Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти ўртасида имзоланган икки томонлама ўзаро манфаатли шартномаларда ил фидосини топган. Уларда маданий алоқаларни ривожлантириш ҳам кўзда тутилган.

П. НИШОНОВ, ЎзТАГ мухбири.



## КАСБИДАН БАРАКА ТОПАЁТГАНЛАР

Косонсой районидagi маший хизмат ўйи ходимлари шу йилнинг ноябрь ойида 180 минг сўмликдан зиёд иш бажардилар. Ҳозир ҳам ерда тикувчилик цехи ҳам фаолият кўрсатмоқда. Цехда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган буюмлар ишлаб чиқарилади. Суратда: тикувчилик цехи илгор ишчиси Жамилахон Қирғизова.

П. АКБАРОВ олган сурат.

Самарқанд вилоятидаги «СССР 60 йилгига ноили Чечен пахта тозалаш заводида янги мавсум ҳосилини қайта ишлаш давомида эътибор. Жорий йилда бу ерда 40 минг тонна хом ашёдан сифатли тола олиб, истеъмолчиларга жўнатиш мўлжалланмоқда. Суратда: завод ишчиси Абдуазиз Бўтақов. У электр ускуналарини қисқа мuddатда таъмирламоқда.

К. ТУРСУНОВ олган сурат.



## Мухбиримиз бонг уради

Эл дастурхони тухум, парранда гўшти билан тўлганига на етсин. Лекин кейинги пайтда тобора танқис бўлиб бораётган бу маҳсулотларни қўллайтириш борасида хусусан Қоракалпоғистон жумҳуриятини қандай ишлар амалга оширилади?

Тахиятош паррандачилик фабрикаси ўтган йилни икки миллион 55 минг сўм фойда билан яқунлади. Шу ҳисобдан корхона янгилаштириш, паррандабўқарлар, илчи-хизматчилар турмуш даражасини яхшилашда ибратли ишлар амалга оширилди. Шунингдек, фабриканинг Нукус шаҳридаги ва Нукус районидagi филиаллари ободонлаштирилди. Турар-жоёлар, маданий-маший объектлар қурилиши битказилиб, ишга туширилди.

Паррандалар маҳсулдорлигини ошириш учун эса витамин унлари ниҳоят зарур.

## ЭЛ ДАСТУРХОННИ ҚАЧОН ҲЙЛАЙСИЗ?

Бу йил фабрикада жами уч миллион сўмлик капитал қурилиш ишлари бажарилиши режалаштирилган. Демак, фойда ҳисобидан бир миллион 200 минг сўм мабла сарфланади. Меҳнат аҳлининг ишлаш ва турмуш шароити яхшиланиши сайин меҳнат унумдорлиги ҳам ортши турган гап. Шу кеча-кундузда савдо ташкилотларига кўнига 120—130 минг дона тухум жўнатишмоқда. Паррандабўқарларнинг аҳди бу қўрсаткичлар 160—180 мингга етказишдан иборат. Қолаверса, имконият ҳам етарлидек. Чунки кейинги йилларда паррандалар сонини қўполлиб, 495 минг бошга етди. Шундан 235 мингтанаси тухум берадиган паррандалардир. Янада кўпроқ тухум етиштириш имкониятига эгамиш, деди фабрика директори Омойтой Жолмағамбетов. Бироқ паррандаларни озуқа билан узлуксиз таъминлашда қийналиб қолмоқдамиш. 50 гектар майдонга бемазмун бор. Лекин қанда ҳам ҳосил олинити. Сабаби, сув танқис.

## ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» ОВНАСИГА ҲИССА ҚўШГАНЛАР

## БУНИ ҲИММАТ ДЕЙДИЛАР

«Ўзбекистон овози» рўномаси менинг энг қўн сўхбатдошим ва маслаҳатчимдир. Рўнома ўз саҳифаларида жауда муҳим ва долзарб муволаҳарини чоп этиб етганини билан ҳар бир муштарийнинг диққатини ўзига тортмоқда. Шу боис мен ҳам ўзимни қўнқитираётган савдо қўполлиги «Ўзбекистон овози» рўномасидан жаваб топаман. Мана 34 йилдирки, мен ана шу ота-она рўномага обуна бўлиб келаяман.

Мақтаблар ва жамоат ташкилотларида бўлган чоғинда ўқитувчилар ва ишчи-хизматчиларни рўнома ва ойнамаларга обуна бўлишга даъват этиш билан ҳам шуғулландим. Пастдаргом районидagi турли ташкилотлар меҳнат фахрийлари ва оқдий қолқозчиларни жамоа жамғармаси ҳисобидан вақтли матбуотга обуна қилишлар. Жумладан Ленин кишлоқ Кенгашининг раиси Шобқул Муҳаммадиев сифатида Кеңаш депутатини сифатида 20 кишини «Ўзбекистон овози» рўномасига обуна қилдириб, Облоқул Муҳаммадиевнинг отаси Мурадий Муҳаммадиевни кўп йиллар давомидаги ҳозирги «Зараршўн» жамоа хўжалигига раислик қилиб, ўз меҳнат фаолиятини билан дох таратган ҳўрматли кишилардан эди. Облоқул ҳам отасини изидан бормоқда.

Мели БОВОҚУЛОВ, Жўна шаҳар 1-кечки ўрта мактабнинг меҳодист-ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ муорифа аълочиси.

## АХИЛЛИККА НИМА ЕТСИН

Андикон шаҳридаги «Электроаппарат» корхонасида маҳсулот турлари кўпаймоқда. Меҳнат аҳли халқ истеъмол моллари йиллик ҳажминини саккиз миллион сўмга етказиш учун курашмоқда. Корхона чехларга янги конвейерлар сновдан ўтказилипти. Буларнинг барчаси турли рўзгор электр буюмларини қўллай ишлаб чиқариш имконини бераётди.

Р. ЕПИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

## КАТТА

Уч ой муқаддам кўплар умумий таназдан чиқинишни йўлини фақат мустақил давлатларнинг сифат ниҳатдан янги федерацияси доирасида Иттифоқ шартномасини имзолашда, деб билгандилар. Бунинг учун барча объект ва субъект асослар бордай эди. Бироқ кўпгина умидларни, у билан биргаликда шундай шартномани имзолашга бўлган аниқ шарт-шароитларни ҳам мутлақо пучга чиқариш учун 72 соат кўнға қўйди. Республикалар ўртасидаги шундоқ ҳам ўта усайиб кетган илгорча ва ўзаро бир-бирини тушунишга қаттиқ путуришди. Аксиндемоқрат хунгани голибона бостирини тўғрида мамлакатда айрим сиёсий гуруҳлар иттифоқдош республикаларнинг мустақиллигини сўздагина тан олиб, аммо амалда улар ўртасидаги муносабатларда сиёсий чиққан ҳомилик тартиботларини тиклашга урина бошладилар. Бундай тартиботларни қўлланш эса яқин ўтмишда ҳеч қандай яхшиликка олиб келмагани айён ва истиқболда эса у бизни анд бовар қилмайдиган кулфатларга дучор қилиши мумкин эди.

Ана шундай бир шароитда Ўзбекистон Олий Кеңашининг олтинча сессияси республика халқларининг энг олий мақсадини ифодалаб, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги ҳақидаги Баёнотини ва тегишли Қонунини қабул қилди. Қонунда ҳуқуқ ва эркинликларнинг умуминсоний қондаларига солиқат библиришнинг, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилишидан ташқари, мустақиллигининг моддий асослари, мулк манбалари ва шакллари, республиканинг ишлаб чиқариш ваазифалари, молия ҳамда кредит сиёсати соҳасидаги тўлақонли ҳуқуқлари ва масъулияти, ҳуллас, бундан бўён республика ўзи мустақил хал этдиган мураккаб иқтисодий муаммоларнинг мажмуаси аниқ-равшан белгилаб берилди.

Ўзбекистон табиий ресурсларга ниҳоят даражада бой, нисбатан юқори иқтисодий ва ишлаб чиқариш-техник кудратга эга. Жумҳурият корхоналарида, илмий ҳамда илмий-ишлаб чиқариш, лойиҳа-конструкторлик ва бошқа ташкилотларда асосан юқори малакали, билимдон кишилар меҳнат қилади. Лекин асосий саноат ишлаб чиқариш корхоналарида миллий кадрларнинг салмоғи ниҳоятда кам. Шунинг учун ҳам биз бундан бўён барча соҳаларда маҳаллий аҳолидан замонавий технологияларни билладиган миллий кадрлар тайёрлашни пайсалга соймай кеңг йўлга қўйишимиз лозим. Шунга алоҳида таъкидлаш керакки, бунда давлат тилини ўрганишни ҳоҳламайдиган кадрларнинг бошқа ёққа кегиб қолишидан қўрқмаслигимиз керак. Республика ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришнинг муайян даражасига эришган. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг энди чинакам иқтисодий мустақилликка қадам-бақдам эришуви учун қўлай имкониятлар яратди.

Шу билан бир қаторда республика кейинги вақтга қадар асосий ижтимоий-иқтисодий қўрсаткичлар бўйича собиқ Иттифоқдаги ўртача даражадан анча ортда қолиб келди. Қўнгда келтирилган факт ва далилларимиз ҳам бунга яққол қўрсатади. Масалан, янги ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон мамлакатда 12-ўринни эгаллаб келганда, аҳоли жон бошига миллий даромад яратиш эса Иттифоқдаги ўртача даражадан икки баравар кам эди. Республика саноат корхоналари меҳнат унумдорлиги бўйича Иттифоқдаги ўртача даражадан 40 фоиз, қишлоқ хўжалиги эса икки баравар ортда қолган. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан қарийб ярми баравар, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, тухум, сут ва сўт маҳсулотлари истеъмол қилиш эса қарийб икки баробар кам. Бунга солиқнинг сақлаш, халқ таълими ва ижтимоий инфраструктуранинг бошқа соҳаларидаги қўнқорасиз аҳволни ҳам қўншадиган бўлсақ, собиқ Иттифоқдан қолган «мерос» манзараси — шу бугунги воқелик яққол намойён бўлади.

БУНДАЙ нонуш аҳволининг сабаблари кўп. Аммо энг асосий сабаб Ўзбекистон иқтисодийни чинакамга яхлит (комплекс) ривожлантириш учун йўналтирилмаганлигида. Йиллар мобайнида тобора бир ёқламалликка, хом ашё тайёрлашга ўз тутталигиди эди. Шунга айтиш иккилик, кейинги вақтгача саноатда тайёр маҳсулотнинг ҳиссаси 50 фоизни ташкил этиди, аграр сектор маҳсулотининг 60 фоиздан ортиқроғи ҳеч қандай қайта ишловсиз республикадан ташқарига ташиб кетилди. Бунинг устига кейинги йил аср мобайнида республика саноатининг солиштирма салмоғи 54 фоиздан 37 фоизга, жумладан озиқ-овқат саноатида 30 фоиздан 14 фоизга тушиб кетди, саноат тузилмасида машинасозликнинг ҳиссаси атиги 16 фоизни ташкил этди. Айтиш вақтда химия ва нефть химияси, қўра ва рангли металлургия, яъни хом ашё тармоқлари ҳиссаси анча ўсди.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда кўпол бузиллишлар ва ноилми ёндашувлар, халқ хўжалиги тузилмасида йўл қўйилган жиддий ҳатолар ва номуносибликлар республикада кўпгина йилри-ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг вуқудга келишига замин яратди, муайян даражада ижтимоий ва иқтисодий несибликни кучайтишга сабаб бўлди. Бу ҳам ҳисобга олиш лозим бўлган воқелиндир.

Ўзбекистон раҳбарияти юзага келган шундай бир оғир аҳволни ўнглаш, йилгидек қолган муаммоларини ҳал қилиш юзасидан кейинги вақтда бир қанча аниқ-қўра тадбирлар қўрилмоқда. Кишиларнинг ижтимоий ҳомиланини даражасини ошириш учун кўп ишлар қилинди. Пенсиялар, ўқитувчиларнинг маошини ошириш, талабаларнинг стипендиялари қўллайтирилади, қўнчи синфлар мактаб ўқувчилари

ЎзТАГ



ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ

Кўнгилдаги дардлар

Ўзбекистон халқ рассоми уста Маҳмуд Усмонов билан мулоқот



Уста Маҳмуд Усмонов билан дастлабки учрашуви...

Шундан буён уста Маҳмуд Усмонов ҳақида жуда кўп эшитди...

Ўқиб бошладим: «Авалло, асалому алайкум, устакон!»...

30 май 1980 йил. Гап айланб яхши инсонларга келиб етди. Отагон бектиёр Усмонов билан Шароф Рашидовни эсладим.

сил берадиган дарахт бўлганди, шу бондан бўлса керак, вафотидан кейин не-не кимсалар унга тош отишди.

Уста ўриларидан турдилар-да, бир варақ қорғоз олиб келиб бердилар.

Ўзбекистон

Афғонистон:

АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМ-ЛАНМОҚДА

Мозори Шариф шаҳрида Афғонистоннинг Балх ва Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятлари ўртасида...

Мана бир неча йилдан бери икки чегарадош вилоят ўртасидаги Бевосита алоқалар давом этиб келмоқда...

Сурхондарё ҳудудида темир йўл контейнерлари ремонтни, гиламлар ва миллий ширинликлар ишлаб чиқариш...

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТАШКИЛОТЛАР, ШИРКАТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА АЛОҲИДА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўй-жой коммунал хўжалиги вазириликнинг жумҳурият мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари...

Ўқишга таклиф этади

электрик, тўпончалы газ-электр пайвандчи, оператор, хлорлагич, қурилма, насос станциялари ва компрессор қурилмаларининг...

МАНШҒУЛОТЛАР ГУРУҲЛАРНИНГ ТУЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАДИ

Бошқа жойдан келганлар ётоқхона билан таъминландилар. Маълумотлар олиш учун телефонлар: 55-63-71, 55-62-36, 54-39-70, 54-39-71.

Р. Р. ШРЕДЕР НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМОҲИ

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

уруғчилик, иңтисод (2) кичик илмий ходимлари (2); иңтисод катта илмий ходими. ТОҒ БОҒДОРЧИЛИГИ ВА УЗУМЧИЛИГИ ФИЛИАЛГА;

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудрлар: даволаш жисмоний машқлари ва шифокор назорати; доцентлар: фармакология, болалар жарроҳлиги, факультет терапияси, тиббий биология ва генетика...

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Узбекистон Республикаси Фанлар академияси раёсати ва «Фан» нашриёти жамоаси шу нашриёт босмахонасининг собиқ директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, кенес матбаччи

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Узбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Усманлий моддлари кенес илмоҳи жамоаси муҳандиси П. Ф. Исмоиловга оғнаси

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Узбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Усманлий моддлари кенес илмоҳи жамоаси муҳандиси П. Ф. Исмоиловга оғнаси

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Узбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Усманлий моддлари кенес илмоҳи жамоаси муҳандиси П. Ф. Исмоиловга оғнаси

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Узбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Усманлий моддлари кенес илмоҳи жамоаси муҳандиси П. Ф. Исмоиловга оғнаси

Муштарий минбари ДУСТЛАР ДИЙДОРИ

Тошкентдан М. БҮРИЕВ. Уруғини тақдир ҳал бўлиб қолган пайлар эди. Бир воқеа эсимдан чиқмайди, 1944 йилнинг июль ойи.

Чўпонлик хизматдан каммас

Бухородан Х. ИВОВОД. Жомбой районидagi Свердлов номи давлат наслилик хўжалигида қарий 35 йилдан бери чўпонлик қиламан.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН



«Спутник» халқаро ёшлар туризмнинг Самарқанд бюроси хорижий мамлакатларнинг фирмалари билан ўзаро алоқаларини йўлга қўйди.

СПОРТ

МУНОСОБАР УРНИСАРЛАР
ЎЗБЕКИСТОН футбол жамоалари барча лигалардаги мавсумий ўйинларини ниҳоясига етказишди.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ. Рўнома таҳрир ҳайъати: Х. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БҮЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта куриш ва кичикмоя адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва амалия — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18, 32-54-18, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик сановати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодий ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 32-52-56, 32-54-37, 32-55-16; аборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-оқоғ — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-37, 32-55-16; бозорчилик — 32-57-22; ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-оқоғ — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общенационально-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

Илига 256 марта чиқди. Нашр кўрсаткичи 64583, Буторта № 6121. № 224.